

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

158 Ваколатли банкларда жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил
20 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2437*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 54-модда), «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 1-2-сон, 6-модда) қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 30 январдаги ПҚ-1914-сон «Жисмоний шахсларга хорижий валютани сотиш тартибини янада либераллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.

2013 й., 6-сон, 66-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ваколатли банкларда жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 16 февраль,
4/7-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил
16 февралдаги 4/7-сонли қарорига
ИЛОВА

**Ваколатли банкларда жисмоний шахслар билан валюта
айирбошлаш операцияларини амалга ошириш
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 54-модда), «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 1-2-сон, 6-модда) Ўзбекистон Республикасининг қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 30 январдаги ПҚ–1914-сонли «Жисмоний шахсларга хорижий валютани сотиш тартибини янада либераллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 6-сон, 66-модда) мувофиқ, ваколатли банкларда жисмоний шахслар — резидент ва норезидентлар (кейинги ўринларда жисмоний шахслар деб юритилади) билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартибини белгилайди.

I боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
ваколатли банк — чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган тижорат банки;

конверсион операциялар бўлими (кейинги ўринларда конверсион бўлим деб юритилади) — ваколатли банкнинг жисмоний шахслар — резидентларнинг (кейинги ўринларда резидент деб юритилади) миллий валютадаги шахсий банк карталари ва чет эл валютасидаги халқаро тўлов карталаридан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз шаклда валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш учун тузилган операцион таркибий тузилмаси;

айирбошлаш шохобчаси — жисмоний шахслардан нақд чет эл валютасини сотиб олиш бўйича операцияларни амалга оширувчи турғун шохобча;

жисмоний шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат — паспорт, Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ёки Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хизматчилари учун ҳарбий билет;

кунлик ҳужжатлар — операцион кун давомида расмийлаштирилган валюта айирбошлаш операциялари ҳисобини юритиш ҳужжатлари;

операцион кун — жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш учун ваколатли банк томонидан белгиланган вақт;

шахсий банк пластик картаси (кейинги ўринларда шахсий карта деб юритилади) — миллий валютада ҳисоб-китоб ва тўловларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан эмитентланган миллий валютадаги шахсий карта;

халқаро тўлов картаси — чет эл валютасида ҳисоб-китоб ва тўловларни амалга ошириш учун халқаро тўлов ташкилотлари билан келишувга асосан Ўзбекистон Республикасининг ваколатли банклари томонидан эмитентланган чет эл валютасидаги халқаро банк картаси;

қимматликлар — миллий валюта, чет эл валютаси ва қатъий ҳисобда турувчи бланклар.

2. Нақд миллий валютага чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш курслари ваколатли банклар томонидан чет эл валютасига бўлган талаб ва таклифни ҳисобга олган ҳолда мустақил равишда белгиланади ва ваколатли банклар раҳбарларининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

3. Операцион кун давомида ваколатли банк томонидан чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш курсини ўзгартиришга рухсат этилади. Бунда сотиб олиш ва сотиш курсининг ўзгарганлиги тегишли буйруқ билан расмийлаштирилади.

II боб. Конверсион бўлимнинг ишини ташкил қилиш

4. Ваколатли банк раҳбари томонидан конверсион бўлимни очиш тўғрисида буйруқ чиқарилади. Мазкур буйруқда ходимларнинг штат бирлиги, бўлим фаолиятига раҳбарлик қилувчи ва уни назорат қилувчи мансабдор шахслар кўрсатилиши керак.

5. Конверсион бўлимнинг штат бирлиги, қоида тариқасида, бўлим бошлиғи, унинг ўринбосари ва икки нафар мутахассисдан ташкил топади. Конверсион бўлим ходимларининг сони ва штат бирлиги мижозларининг сони

ва амалга ошириладиган валюта операцияларининг ҳажмидан келиб чиқиб, банк раҳбарининг буйруғига асосан ўзгартирилиши мумкин.

6. Конверсион бўлим миқдорларнинг танишиб чиқиши учун қулай бўлган жойга қўйидаги маълумотларни ўз ичига олган стенд билан жиҳозланган бўлиши лозим:

жисмоний шахслардан чет эл валютасини сотиб олиш ва уларга сотиш тартиби;

конверсион бўлимнинг иш вақти;

жисмоний шахслардан чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш курслари;

конверсион бўлим томонидан амалга ошириладиган операциялар турлари;

халқаро тўлов картасини очганлик учун ундириладиган воситачилик ҳақи миқдори;

банк томонидан очиладиган халқаро тўлов карталари, уларнинг имкониятлари ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги маълумотлар.

7. Конверсион бўлим ваколатли банк биносида жойлаштирилади ва унда тўлов терминаллари, ҳисоблаш техникаси, тегишли дастурий таъминотга эга Банклараро ягона электрон тизимга (кейинги ўринларда электрон тизим деб юритилади) уланган компьютер техникаси, телефон алоқаси, ёнмайдиган темир шкаф (сейф), зарур норматив ҳужжатлар ва маълумот материаллари, ёнғин хавфсизлиги сигнализацияси ва видеокузатув камералари бўлиши лозим.

8. Иш вақтида конверсион бўлим ходимларининг ёнида хизмат гувоҳномалари бўлиши лозим. Банк раҳбарининг тегишли буйруғисиз бўлим ходимлари томонидан ўзларига юклатилган вазифаларни бошқа шахсларга ишониб топширилишига йўл қўйилмайди.

III боб. Конверсион бўлим ходимларининг вазифалари

9. Конверсион бўлим бошлиғи:

бўлим фаолиятига умумий раҳбарлик қилади, бўлим ишини ташкиллаштиради ва бўлимга юклатилган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

бўлим фаолиятига тааллуқли қонун ҳужжатлари талабларининг ўз вақтида ва пухта бажарилиши, шунингдек меҳнат интизомига қатъий риоя этилиши устидан мунтазам равишда назорат ўрнатилишини таъминлайди;

чет эл валютасида банк ҳисобварағини очиш бўйича резидентлар билан икки томонлама шартномалар тузади;

банк кассасидан балансдан ташқари ордерга асосан қатъий ҳисобда турувчи бланкларни олади ва топширади;

чет эл валютасини сотиб олиш бўйича мурожаат қилган шахсларга тегишли тушунтиришлар беради;

қатъий ҳисобда турувчи бланкларнинг амалдаги қолдиқларини валюта айирбошлаш операциялари тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари билан солиштиради ва текширади;

валюта айирбошлаш операциялари бўйича тузилган реестрларни маълумотномалар нусхаси асосида текширади;

амалга оширилган валюта айирбошлаш операциялари бўйича иш куни охирида тегишли ҳужжатларни имзолайди;

катъий ҳисобда турувчи бланклар, бўлим ва ходимларнинг шахсий штампларини сейфда сақланишини таъминлайди;

шубҳали операциялар ҳақида зудлик билан банкнинг Ички назорат хизматига ёзма равишда хабар беради.

Бўлим бошлиғи турли сабабларга кўра иш жойида бўлмаган ҳолларда, унинг вазифаларини бажариш ваколатли банк раҳбарининг буйруғига асосан, унинг ўринбосари зиммасига юклатилиши мумкин.

10. Бўлим бошлиғининг ўринбосари:

халқаро тўлов картасини очиш учун мурожаат қилган резидентларга ушбу карталарнинг турлари, имкониятлари ва улардан фойдаланиш тартиби ҳақида батафсил маълумот беради;

шартномага мувофиқ резидентлар номига чет эл валютасида банк ҳисобварағини очади;

шартноманинг бир нусхасини кунлик ҳужжатларга резидентнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати нусхаси билан бирга тикиб қўяди;

халқаро тўлов картасини «Берилган халқаро тўлов карталарини рўйхатга олиш журнали»га имзо чектирган ҳолда резидентга беради.

11. Бўлим мутахассислари:

чет эл валютасини халқаро тўлов картасига ўтказиб бериш тўғрисидаги аризаларни қабул қилади;

резидентнинг шахсий картаси мавжуд бўлмаган тақдирда, унга пластик карталар бўлимига мурожаат этиб, ўз номига белгиланган тартибда шахсий карта очишни таклиф этади;

чет эл валютасини сотиб олиш учун мурожаат қилган резидентларнинг шахсини уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари асосида аниқлайди;

шахсий штампларини кун охирида бўлим бошлиғига топширади;

чет эл валютасини резидентнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларидаги тегишли маълумотларни электрон тизимга киритиш орқали сотиш операциясини амалга оширади;

амалга оширилган валюта операцияларини тегишли реестрларга қайд этади;

электрон тизимга киритиш орқали чет эл валютасини харид қилади;

кун охирида резидентларнинг чет эл валютасини миллий валютага айирбошлаш тўғрисидаги аризалари, шахсини тасдиқловчи ҳужжатларининг нусхалари ва терминал чекларини ваколатли банкнинг тегишли бўлимига тақдим этади;

маълумотномалар, реестрлар ва ҳисоботни имзолаб, уларни шахсий штамплари билан тасдиқлайди.

12. Қўйидагилар қатъиян тақиқланади:

миллий валютани чет эл валютасига сиртдан алмаштириш;

валюта айирбошлаш операцияси бўйича маълумотларни электрон тизимга киритмасдан чет эл валютасини сотиш;

тегишли маълумотномани бермасдан валюта операцияларини амалга ошириш;

валюта айирбошлаш операциясини амалга оширмасдан қатъий ҳисобда турувчи бланкларни расмийлаштириш ва бериш.

IV боб. Конверсион бўлимни қатъий ҳисобда турувчи бланклар билан таъминлаш ва улардан фойдаланиш

13. Қатъий ҳисобда турувчи бланклар балансдан ташқари ордер орқали олинади. Бунда масъул ходим томонидан уч нусхада балансдан ташқари ордер расмийлаштирилади ва уларнинг ҳар бири банкнинг моддий жавобгар шахслари томонидан имзоланади.

14. Конверсион бўлимда қуйидаги қатъий ҳисобда турувчи бланклардан фойдаланилади:

мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ 09017-шаклдаги маълумотнома; мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ 09020-шаклдаги маълумотнома.

15. Қатъий ҳисобда турувчи бланклар ваколатли банкнинг буюртмасига асосан, «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан бир хил серияга ва зарур ҳимоя даражаларига эга бўлган икки нусхада тайёрланади.

16. Қатъий ҳисобда турувчи бланклар ва улардаги реквизитларнинг тўлдирилган матнларига тузатишлар киритиш тақиқланади.

17. Бузилган, йиртилган ёки бошқача тарзда яроқсиз ҳолга келган қатъий ҳисобда турувчи бланкларнинг иккала нусхаси ҳам бекор қилинади ҳамда мутахассиснинг штампи ва имзоси, бўлим штампи билан тасдиқланади.

V боб. Резидентларга чет эл валютасини сотиш бўйича операцияларни амалга ошириш

18. Резидентларга чет эл валютасини сотиш конверсион бўлимлар томонидан халқаро тўлов карталаридан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз шаклда амалга оширилади.

19. Конверсион бўлимда кунлик нақд пулсиз шаклдаги чет эл валютасини сотиш миқдори ваколатли банк раҳбарининг буйруғига асосан белгиланади.

20. Резидент чет эл валютасини сотиб олиш учун конверсион бўлимга ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатини тақдим этади.

21. Резидентнинг шахсий картаси мавжуд бўлмаган тақдирда, конверсион бўлим мутахассиси томонидан резидентга пластик карталар бўлимига мурожаат этиб, ўз номига белгиланган тартибда шахсий карта очиш таклиф этилади.

22. Резидентнинг шахсий картасида етарли миқдорда миллий валютадаги маблағ бўлмаган тақдирда, шахсий карта эмитент банкнинг исталган филиалида нақд миллий валютани банк кассасига топшириш орқали тўлдирлиши мумкин.

23. Резидентнинг шахсий картаси мавжуд бўлган тақдирда, конверсион бўлим мутахассиси томонидан шахсий картанинг ҳақиқатда ушбу шахсга тегишлилиги унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати билан солиштирилади ҳамда тўлов терминали орқали шахсий картада етарли миқдорда миллий валютадаги маблағнинг мавжудлиги текширилади.

24. Шахсий картада миллий валютадаги маблағ етарли бўлганда, резидент томонидан чет эл валютасини сотиб олиш учун мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда ариза тўлдирилади.

25. Миллий валютадаги маблағ ваколатли банкнинг операция бажариладиган кундаги чет эл валютасини сотиш курси бўйича тўлов терминали орқали ечиб олинади ва резидентга миллий валютадаги маблағ ечиб олинганлиги тўғрисидаги терминал чекининг асл нусхаси берилади, унинг нусхаси кунлик ҳужжатларга тикиб қўйилади.

26. Резидентнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатидаги тегишли маълумотлар конверсион бўлим мутахассислари томонидан электрон тизимга киритилади. Бунда икки нусхада 09017-шаклдаги маълумотнома расмийлаштирилади ва принтер орқали чоп этилади. Маълумотномалар бўлим мутахассиси ва резидент томонидан имзоланиб, уларга мутахассиснинг шахсий ва бўлим штамплари босилади. Маълумотноманинг бир нусхаси резидентга берилади, иккинчи нусхаси, мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклдаги 09008-сонли реестр ва резидентнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати-нинг нусхаси билан бирга кунлик ҳужжатларга тикиб қўйилади.

27. Чет эл валютаси 09017-шаклдаги маълумотнома ва миллий валютадаги терминал чеки асосида резидентнинг халқаро тўлов картасига ўтказиб берилади.

28. Резидентнинг халқаро тўлов картаси мавжуд бўлмаган тақдирда, банк ва резидент ўртасида чет эл валютасида банк ҳисобварағини очиш тўғрисида икки томонлама шартнома тузилади ҳамда конверсион бўлим бошлиғининг ўринбосари томонидан шартномага асосан резидент номига чет эл валютасида банк ҳисобварағи очилади. Шартноманинг бир нусхаси резидентга берилади, иккинчи нусхаси эса, кунлик ҳужжатларга тикиб қўйилади. Шартномалар давлат тилида тузилади, зарур ҳолларда, резидентнинг талабига қўра рус ёки қорақалпоқ тилида ҳам тузилиши мумкин.

29. Халқаро тўлов картаси конверсион бўлим бошлиғининг ўринбосари томонидан «Берилган халқаро тўлов карталарини рўйхатга олиш журнали»га имзо чектирган ҳолда резидентга берилади. Мазкур журнал рақамланган, ип ўтказиб тикилган, ваколатли банк муҳри ҳамда раҳбар имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим.

VI боб. Резидентларнинг халқаро тўлов картасидаги чет эл валютасини сотиб олиш операцияларини амалга ошириш

30. Резидент халқаро тўлов картасидаги чет эл валютасини сотиш учун ваколатли банкнинг исталган конверсион бўлимига мазкур Низомнинг 5-ило-

васига мувофиқ шаклдаги ариза билан мурожаат этади. Бунда конверсион бўлимнинг мутахассиси томонидан халқаро тўлов картасининг ҳақиқатда ушбу резидентга тегишлилиги унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати асосида текширилади.

31. Резидентнинг халқаро тўлов картасидаги чет эл валютаси ваколатли банкнинг операция бажариладиган кундаги чет эл валютасини сотиб олиш курсига мувофиқ тўлов терминали орқали ечиб олинади. Бунда резидентга чет эл валютасининг ечиб олинганлиги тўғрисидаги терминал чекининг асл нусхаси берилади, унинг нусхаси эса, кунлик ҳужжатларга тикиб қўйилади.

32. Чет эл валютаси конверсион бўлимнинг мутахассиси томонидан электрон тизимга киритиш орқали харид қилинади. Бунда 09020-шаклдаги маълумотнома икки нусхада расмийлаштирилади ва принтер орқали чоп этилади. Маълумотномалар бўлим мутахассиси ва резидент томонидан имзоланиб, уларга мутахассиснинг шахсий ва бўлим штамплари босилади. Маълумотноманинг бир нусхаси резидентга, иккинчи нусхаси мазкур Низомнинг 6-иловасига мувофиқ шаклдаги 09021-сонли реестрга илова қилиниб, кунлик ҳужжатларга тикиб қўйилади.

Резидентлар халқаро тўлов карталаридаги чет эл валютасини айирбошлаш шохобчалари орқали нақд миллий валютага айирбошлашлари мумкин.

33. Кун охирида конверсион бўлим бошлиғи томонидан резидентларнинг аризаси, шахсини тасдиқловчи ҳужжатларининг нусхалари ва терминал чеклари ваколатли банкнинг тегишли бўлимига тақдим этилади. Тақдим этилган ҳужжатларга асосан ваколатли банкнинг тегишли бўлими томонидан резидентнинг шахсий картасига миллий валюта ўтказиб берилади.

VII боб. Конверсион бўлимда операцион кунни якунлаш

34. Конверсион бўлимда операциялар амалга оширилиши тугатилгандан сўнг қатъий ҳисобда турувчи бланкларнинг фойдаланилганлиги бўйича мазкур Низомнинг 7-иловасига мувофиқ шаклдаги 09009-сонли ҳисобот тузилади.

35. Реестрлар ва ҳисобот конверсион бўлим бошлиғи ёки унинг ўринбосари ва мутахассисининг имзоси билан тасдиқланади.

36. Операцион кун якунида конверсион бўлим бошлиғи томонидан кун бошида ваколатли банк кассасидан олинган қатъий ҳисобда турувчи бланклар қолдиғи билан кун охирида қолган бланклар сони ўзаро мувофиқлиги юзасидан текширилиши лозим.

VIII боб. Айирбошлаш шохобчасини рўйхатга олиш

37. Ваколатли банк айирбошлаш шохобчасининг рўйхатга олиш учун Марказий банкнинг тегишли ҳудудий Бош бошқармасига (кейинги ўринларда ҳудудий Бош бошқарма деб юритилади) айирбошлаш шохобчасини очиш тўғрисидаги буйруқдан кўчирмани илова қилган ҳолда ёзма равишда мурожаат қилади. Ҳудудий Бош бошқарма томонидан 3 иш куни ичида айирбошлаш шохобчаси рўйхатга олиниб, ваколатли банкка мазкур Низомнинг

9-иловасига мувофиқ шаклда гувоҳнома (кейинги ўринларда гувоҳнома деб юритилади) юборилади.

38. Рўйхатга олинган айирбошлаш шохобчаси ҳудудий Бош бошқарма томонидан мазкур Низомнинг 9-иловасига мувофиқ шаклдаги «Айирбошлаш шохобчасини рўйхатга олиш журнали»га қайд этилади.

39. Гувоҳнома йўқолган тақдирда ваколатли банк ҳудудий Бош бошқармага қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда ёзма равишда мурожаат қилиши шарт:

гувоҳноманинг йўқолиш сабаблари кўрсатилган маълумотнома;

топилмалар идорасининг гувоҳнома ҳақиқатда йўқолганлигини тасдиқловчи ҳужжатининг нусхаси.

40. Гувоҳноманинг дубликати ҳудудий Бош бошқарма томонидан 3 иш кун ичида берилади. Гувоҳноманинг дубликатига «Дубликат» сўзи ва унинг берилган санаси ёзиб қўйилади.

41. Айирбошлаш шохобчасининг жойлашган ери (почта манзили) ўзгарган тақдирда, ваколатли банк томонидан ҳудудий Бош бошқармага айирбошлаш шохобчасининг жойлашган ери (почта манзили) ўзгарганлиги ва унинг сабаблари кўрсатилган ҳолда ёзма равишда маълум қилинади. Бунда ваколатли банк томонидан айирбошлаш шохобчасини рўйхатдан ўтказиш учун умумий асосларда қайта мурожаат қилинади.

IX боб. Айирбошлаш шохобчаси ишини ташкил қилиш

42. Айирбошлаш шохобчасининг иш тартиби манфаатдор ташкилотлар билан келишилиши лозим.

43. Айирбошлаш шохобчасида қўйидаги операциялар амалга оширилади: жисмоний шахслардан нақд чет эл валютасини нақд миллий валютага сотиб олиш;

жисмоний шахслар — норезидентларга (кейинги ўринларда норезидент деб юритилади) чет эл валютасини сотиш;

жисмоний шахсларнинг халқаро тўлов картасидаги чет эл валютасини нақд миллий валютага айирбошлаб бериш;

жисмоний шахслардан чет эл валютасини инкассога қабул қилиш;

ҳақиқийлиги шубҳа туғдирган чет эл валюталарини жисмоний шахслардан экспертизага қабул қилиш;

жисмоний шахсларнинг йирик чет эл валютасини ўша чет эл валютасига майдалаб бериш;

жисмоний шахсларнинг шикастланган чет эл валютасини шикастланмаган шу турдаги чет эл валютасига алмаштириб бериш;

жисмоний шахсларга бир хорижий давлатнинг нақд валютасини бошқа хорижий давлатнинг нақд валютасига алмаштириб бериш (конверсия).

44. Айирбошлаш операцияларини амалга оширганлик учун воситачилик ҳақи ундирилиши мумкин, чет эл валютасини сотиш ва сотиб олиш операциялари бундан мустасно. Воситачилик ҳақининг миқдори ваколатли банклар томонидан белгиланади.

45. Айирбошлаш шохобчасини очиш тўғрисидаги буйруқда айирбошлаш шохобчасининг жойлашган ери (почта манзили), ходимларининг штат бирлиги, шохобча фаолиятига раҳбарлик қилувчи ва уни назорат қилувчи мансабдор шахслар кўрсатилиши керак.

46. Айирбошлаш шохобчаси миждларнинг танишиб чиқиши учун қулай бўлган жойга қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган стенд билан жиҳозланади:

айирбошлаш шохобчасининг иш вақти;

чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш курслари;

мазкур айирбошлаш шохобчаси томонидан амалга ошириладиган валюта айирбошлаш операциялари;

пул белгиларининг ҳақиқийлиги ва тўловга яроқлилигини аниқлаш қоидалари;

жисмоний шахслардан чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш тартиби;

валюта айирбошлаш операциялари учун ундириладиган воситачилик ҳақи миқдори;

айирбошлаш шохобчасининг рўйхатга олинганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси.

47. Айирбошлаш шохобчасида бир вақтнинг ўзида икки нафар ходим — назоратчи ва кассир фаолият юритиши ҳамда улар ваколатли банкнинг махсус кийими (униформа) билан таъминланган бўлиши лозим. Зарур ҳолларда, ваколатли банк раҳбарининг буйруғига асосан тажрибали кассирлар айирбошлаш шохобчасига вақтинча фаолият юритиш учун жалб этилиши мумкин.

48. Ваколатли банклар томонидан айирбошлаш шохобчасини ёнмайдиган темир шкаф (сейф), телефон алоқаси, қўриқлаш ва ёнғин хавфсизлиги сигнализацияси, валютанинг ҳақиқийлигини аниқлайдиган детектор ёки тестер, тегишли дастурий таъминотга эга компьютер ва ҳисоблаш техникаси, шунингдек зарур норматив ҳужжатлар ва маълумот материаллари билан таъминланади.

49. Айирбошлаш шохобчасида назоратчи ва кассирни лавозимга тайинланганлиги тўғрисидаги тегишли буйруқдан кўчирма бўлиши керак. Назоратчи ва кассир лавозимига етарли тажрибага эга бўлган ва чет тилларини билладиган ходимлар ишга тайинланади.

50. Иш вақтида назоратчи ва кассирнинг ёнида хизмат гувоҳномалари бўлиши лозим. Назоратчи ёки кассир ўзига юклатилган вазифаларни банк раҳбарининг тегишли буйруғисиз бошқа шахсга ишониб топшириши ва айирбошлаш шохобчасига бегона шахсларни киритиши қатъиян тақиқланади.

51. Айирбошлаш шохобчасининг ҳар бир ходимига фамилияси кўрсатилган штамп, назоратчига эса, қўшимча равишда ваколатли банк номи, рўйхатга олиш рақами ва шохобчанинг манзили ёзилган штамп бириктириб қўйилади.

Ишдан ташқари вақтда айирбошлаш шохобчасида қимматликлар ва штампларни сақлаш тақиқланади.

52. Айирбошлаш шохобчаси кассирига қимматликлар солинган халта-

ларни тамғалаш учун пломбир берилади. Унинг плашкасида айирбошлаш шохобчасининг рўйхат раками ва қисқартирилган номи қайд этилади. Кассирга пломбир ваколатли банк томонидан журналга имзо чектирган ҳолда берилади.

Инкассация бўлими (участкаси) бошлиғи ва ваколатли банкнинг касса мудирини томонидан тасдиқланган пломбир изи намунасининг бир нусхаси айирбошлаш шохобчасининг кассирга берилади. Ушбу намуна кассир томонидан қимматликлар солинган халталар олинаётганда инкассаторга кўрсатилади. Намунанинг иккинчи нусхаси ваколатли банкнинг кечки кассасига берилади.

53. Ишга қабул қилинган ходимлар ваколатли банк томонидан моддий жавобгарлик тўғрисида тегишли қонун ҳужжатларининг нормалари, шунингдек қимматликларни сақлаш, қабул қилиш, бериш, улар билан ишлаш, қайта санаш ва ташишга доир қоидалар, айирбошлаш операцияларини ўтказиш ва уларнинг ҳисобини юритиш тартиби билан таништирилиши шарт.

Х боб. Айирбошлаш шохобчаси ходимларининг вазифалари

54. Айирбошлаш шохобчасининг назоратчиси:

қимматликлар солинган халтачаларни қабул қилади, уларни очишда иштирок этади ҳамда ундаги қимматликлар кам ёки ортиқ чиққан ҳолларда, икки нусхада далолатнома тузади, ушбу далолатномани кассир билан бирга имзолайди ва унинг бир нусхасини банкка юборади;

айирбошлаш учун тақдим этилган миллий ва чет эл валютаси эквивалентини ҳамда воситачилик ҳақини ҳисоблайди;

амалга оширилган валюта айирбошлаш операцияларини тегишли реестрга қайд этади;

маълумотнома ва квитанцияларни тўлдиради ҳамда имзолайди;

амалга оширилган валюта айирбошлаш операциялари бўйича тегишли ҳужжатларни иш куни охирида имзолайди;

иш куни охирида қолган қимматликларни дасталари бўйича санаб чиқади ва бу қимматликларнинг дасталари бўйича халталарга тўлиқ солинишини назорат қилади;

амалга оширилган операциялар тўғрисида ҳисобот тузади ва уни тегишли реестрлар ва маълумотномалар нусхалари асосида текшириб чиқиб, имзолайди;

қимматликларнинг амалдаги қолдиқларини амалга оширилган операциялар тўғрисидаги ҳисобот билан солиштиради ва қимматликлар ортиқ ёки кам чиққан ҳолларда, икки нусхада далолатнома тузади ва уни кассир билан бирга имзолайди. Унинг бир нусхаси ваколатли банкка юборилади ва иккинчи нусхаси айирбошлаш шохобчасининг кунлик ҳужжатларига тикиб қўйилади;

шубҳали операциялар ҳақида зудлик билан банкнинг Ички назорат хизматига ёзма равишда хабар беради.

55. Айирбошлаш шохобчасининг кассири:

қимматликларни олиш учун буюртманомаларни тузиб ваколатли банкка тақдим этади;

инкассаторлар олиб келган қимматликлар солинган халталарни қабул қилиб олади ҳамда халталарни назоратчи ва инкассатор иштирокида очади ёки ваколатли банк кассасидан қимматликларни қабул қилиб, айирбошлаш шохобчасига олиб келади;

алмаштириш учун тақдим этилган банкнотларни ҳақиқийлиги ва тўловга яроқлилигини текширади;

реестрлар, квитанциялар ва маълумотномаларни, шунингдек назоратчи томонидан тузилган далолатномаларни имзолайди;

иш куни охирида қолган қимматликларни санайди, уларни саралаб дасталайди ва назоратчи кузатувида қимматликларни халталарга жойлайди.

56. Кассир пул ва тангаларни тахлаш ҳамда уларнинг ўраб боғланишига шахсан жавоб беради.

57. Қўйидагилар қатъиян тақиқланади:

миллий валютани чет эл валютасига сиртдан алмаштириш;

валюта айирбошлаш операциялари ҳақидаги маълумотларни электрон тизимга киритмасдан валютани сотиш операциясини амалга ошириш;

тегишли маълумотнома бермасдан, валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш;

валюта айирбошлаш операциясини бажармай туриб, тегишли маълумотномалар бериш;

айирбошлаш шохобчасида чет эл валютасидаги ва энг кам ойлик иш ҳақининг ярмидан ортиқ миқдорда миллий валютадаги шахсий жамғармаларнинг бўлиши.

58. Пул маблағларининг кам ва ортиқ эканлиги, шунингдек бошқа қоидабузарликлар аниқланган тақдирда, хизмат текширувидан кейин банк томонидан материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга берган ҳолда айбдор шахсларга нисбатан интизомий, шу жумладан, ишонччи йўқотганлиги учун ишдан бўшатишгача бўлган жазо чораси қўлланилади.

XI боб. Айирбошлаш шохобчасини қимматликлар билан таъминлаш ва улардан фойдаланиш

59. Айирбошлаш шохобчаси ваколатли банк томонидан қимматликлар ва бошқа бланклар билан таъминланиши шарт.

60. Айирбошлаш шохобчасида қўйидаги қатъий ҳисобда турувчи бланклардан фойдаланилади:

мазкур Низомнинг 10-иловасига мувофиқ 09002-шаклдаги маълумотнома;

мазкур Низомнинг 11-иловасига мувофиқ 09004-шаклдаги квитанция;

мазкур Низомнинг 12-иловасига мувофиқ 09005-шаклдаги квитанция;

мазкур Низомнинг 13-иловасига мувофиқ 09007-шаклдаги маълумотнома;

мазкур Низомнинг 14-иловасига мувофиқ 09012-шаклдаги квитанция.

61. Қатъий ҳисобда турувчи бланклар ваколатли банкнинг буюртмасига

асосан, «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан бир хил серияга ва зарур ҳимоя даражаларига эга бўлган икки нусхада тайёрланади.

62. Қатъий ҳисобда турмайдиган бланклар ваколатли банклар томонидан мустақил равишда тайёрланади.

63. Қатъий ҳисобда турувчи бланклар ва улардаги реквизитларнинг тўлдирилган матнларига тузатишлар киритиш тақиқланади.

64. Бузилган, йиртилган ёки бошқача тарзда ярқисиз ҳолга келган қатъий ҳисобда турувчи бланкларнинг иккала нусхаси ҳам бекор қилинади ҳамда назоратчи ва кассирнинг штамп ва имзоси билан тасдиқланади.

65. Қимматликларни олиш учун кассир томонидан мазкур Низомнинг 15-иловасига мувофиқ шаклда икки нусхада 09001-сонли талабнома тўлдирилади. Талабноманинг бир нусхаси ваколатли банк кассасида қолдирилиб, иккинчи нусхаси кунлик ҳужжатларга тикиб қўйилади.

Ваколатли банк бухгалтериясининг масъул ходими томонидан айирбошлаш шохобчасининг талабномаси ҳамда тегишли касса ва балансдан ташқари ордерлар асосида айирбошлаш шохобчасига жўнатиш учун тайёрланган қимматликларнинг уч нусхада рўйхати тузилади. Уларнинг ҳар бири ваколатли банкнинг моддий жавобгар шахси томонидан имзоланади.

Айирбошлаш шохобчасига жўнатиш учун тайёрланган қимматликлар уларнинг рўйхати нусхаси билан бирга моддий жавобгар шахслар томонидан инкассация халтасига жойланади, шундан сўнг халта тамғаланади. Айирбошлаш шохобчасига бириктирилган ҳар бир инкассация халтасида айирбошлаш шохобчасининг рўйхат рақами ва ваколатли банк номи ёзилади. Инкассатор халталарни қабул қилиб олгандан сўнг, қимматликлар рўйхатининг иккинчи нусхасини имзолайди.

66. Айирбошлаш шохобчасини иш куни бошланишидан олдин қимматликлар билан таъминлаш ёки унга иш куни давомида қўшимча қимматликлар келтириш инкассаторлар томонидан амалга оширилади, айирбошлаш шохобчаси ваколатли банк биносида жойлашган ҳоллар бундан мустасно.

67. Инкассатор келтирган халталар назоратчи иштирокида кассир томонидан қабул қилинади. Бунда халтанинг тамға урилган тизимчасининг бутлиги ва тамға изининг аниқлиги синчиклаб текширилади. Кассир томонидан халта очилаётганда ва унга солинган қимматликлар текшириляётганда унинг ёнида назоратчи ва инкассатор туриши шарт.

68. Айирбошлаш шохобчасининг талабномаси, тегишли касса ва балансдан ташқари ордерлари асосида тузилган рўйхатнинг биринчи нусхаси унинг иккинчи нусхаси ва қабул қилинган қимматликлар ҳисоби билан солиштирилгандан сўнг, қимматликлар қабул қилиб олинганлиги тўғрисидаги рўйхатнинг иккинчи нусхаси назоратчи ва кассир томонидан имзоланади ва айирбошлаш шохобчасининг штамп билан тасдиқланади ҳамда рўйхатнинг иккинчи нусхаси инкассация бўлимига топшириш учун инкассаторга қайтарилади. Рўйхатнинг биринчи нусхаси айирбошлаш шохобчасининг кунлик ҳужжатларига тикиб қўйилади.

XII боб. Айирбошлаш шохобчасида валюта операцияларини амалга ошириш

69. Айирбошлаш шохобчасида жисмоний шахслардан чет эл валютаси чекланмаган миқдорда сотиб олинади.

70. Айирбошлаш шохобчаси томонидан амалга оширилган операциялар тўғрисидаги маълумотлар электрон тизимга киритилади.

Чет эл валютасини сотиб олишда операция энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 баравари миқдорига тенг бўлган ёки ундан ошган ҳолларда, бундай операциялар тегишли маълумотларни электрон тизимга киритиш орқали амалга оширилиши шарт. Бунда резидентлардан шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва норезидентлардан паспорт талаб этилади ҳамда уларнинг нусхаси кунлик ҳужжатларга тикиб қўйилади.

71. Кассир жисмоний шахслар томонидан тақдим этилган чет эл валютасининг ҳақиқийлиги ва тўловга яроқлилигини техник воситалар ёрдамида текшириши шарт.

72. Чет эл валютасини жисмоний шахслардан сотиб олишда 09002-шаклдаги маълумотнома икки нусхада принтер орқали чоп этилади. Ушбу маълумотноманинг иккала нусхаси ҳам назоратчи, кассир ва жисмоний шахс томонидан имзоланиб, айирбошлаш шохобчаси штампси ҳамда назоратчи ва кассирининг шахсий штамплари босилади.

73. Чет эл валютаси резидентлардан сотиб олинаётганда, уларга 09002-шаклдаги маълумотноманинг иккинчи нусхаси берилади, унинг биринчи нусхаси эса, кунлик ҳужжатларга тикиб қўйилади.

Ушбу маълумотнома чет эл валютасини айирбошлаш шохобчаси томонидан сотиб олинганлигини тасдиқлайди, бироқ сарфланмай қолган миллий валютани чет эл валютасига қайта алмаштириб бериш ҳуқуқини бермайди.

74. Чет эл валютаси норезидентлардан паспорт ва чет эл валютасини четдан олиб келганлигини тасдиқловчи божхона декларацияси асосида сотиб олинганда, унга 09002-шаклдаги маълумотноманинг биринчи нусхаси берилади. Мазкур маълумотнома сарфланмай қолган миллий валютани чет эл валютасига қайта алмаштириш учун асос бўлади. Бунда операция суммаси божхона декларациясида назарда тутилган валюта миқдоридан ошмаслиги керак. Маълумотноманинг иккинчи нусхаси норезидент паспортининг нусхаси билан бирга кунлик ҳужжатларга тикиб қўйилади ва божхона декларациясига назоратчи томонидан валюта алмаштирилганлиги тўғрисида белги қўйилади.

75. Чет эл валютаси норезидентлардан паспорт ва чет эл валютасини четдан олиб келганлигини тасдиқловчи божхона декларацияси тақдим этилмаган ҳолда сотиб олинганда, ушбу операция мазкур Низомнинг 73-бандига мувофиқ расмийлаштирилади.

76. Халқаро тўлов картасидаги чет эл валютаси ва нақд чет эл валютасини миллий валютага айирбошлаш операциялари мазкур Низомнинг 16-иловасига мувофиқ шаклдаги 09003-сонли реестрда расмийлаштирилади.

77. Айирбошлаш шохобчасида жисмоний шахсларнинг халқаро тўлов

карталаридаги чет эл валютаси нақд миллий валютага айирбошлаб бериллади. Бунда халқаро тўлов картасидаги чет эл валютаси терминал орқали ечиб олинади. Жисмоний шахсга валюта сотиб олинганлигини тасдиқловчи 09002-шаклдаги маълумотноманинг бир нусхаси ва терминал чекининг асл нусхаси бериллади. Маълумотноманинг ва терминал чекининг нусхаси кунлик хужжатларга тикиб қўйилади.

78. Норезидентларга чет эл валютасини сотиш айирбошлаш шохобчасининг 09002-шаклдаги маълумотномасининг биринчи нусхаси ёки банкомат чеки тақдим этилган тақдирда, амалга оширилади.

79. Чет эл валютаси норезидентларга сотилганда, чет эл валютаси сотилганлигини тасдиқловчи 09007-шаклдаги маълумотноманинг бир нусхаси бериллади, иккинчи нусхаси норезидентнинг паспорт нусхаси билан бирга мазкур Низомнинг 17-иловасига мувофиқ шаклдаги 09010-сонли реестрга илова қилинади ва ҳисобот тузиш учун асос ҳисобланади.

80. Айирбошлаш шохобчасида жисмоний шахслардан тўловга яроқсиз деб топилган ёки муомаладан чиқарилган чет эл валютаси инкассога қабул қилиниши мумкин.

81. Чет эл валютасини инкассога қабул қилиш жисмоний шахслардан уларнинг аризасига асосан, резидентлар томонидан шахсини тасдиқловчи хужжат, норезидентлар томонидан паспорт тақдим этилганда, воситачилик ҳақи ундирилган ҳолда амалга оширилади. Жисмоний шахс аризасида ўзининг яшаш манзилини аниқ кўрсатиши шарт.

82. Чет эл валютаси инкассога қабул қилинганда, жисмоний шахсга икки нусхада тўлдирилладиган 09004-шаклдаги квитанция бериллади. Квитанциянинг бир нусхаси жисмоний шахсга бериллади, иккинчи нусхаси ҳисобот тузиш учун асос ҳисобланади ва кунлик хужжатларга жисмоний шахснинг шахсини тасдиқловчи хужжатининг нусхаси билан бирга тикиб қўйилади.

